O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVI

Инсон манфаатлари — олий қадрият

АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 28 АПРЕЛЬ, ЖУМА ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● № 18 (566) ● www.adolat.uz ● E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Ушбу сонда:

ЧОРВА – БИСЁР ДАВЛАТ
бугуннинг гапи — 2

НАФС ҚУЛИГА АЙЛАНГАНЛАР
жиноят ва жазо — 2

ПАЛАТАДА «ЭРКИН СОАТ»
Жаҳон парламенти: Ҳиндистон — 3

РАДИАЦИЯГА ҚАРШИ ВАКЦИНА
хориж хабарлари — 3

СЕВГИ АЛОМАТЛАРИ
психолог маслаҳати — 4

УСТОЗ НИҚОБИДАГИ ОЛҒИРЛАР
суд залидан — 4

Партия кўзгуси

Учрашувлар давом этмоқда

Мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳар қандай давлатнинг иқтисодий жиҳатдан юксалишида тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари Дилором Тошмуҳамедова ҳамда депутатлар Ойша Охунова, Юсибжон Нишоновларнинг пойтахтимизнинг бир неча туманларида бўлган ва куни кеча Миробод тумани тадбиркорлари билан ўтган учрашувларида шу ҳақда сўз борди.

Музаффар АБДУШУКУРОВ,
“Адолат” мухбири

– Тадбиркорлик билан шуғулланаман деган одам фақат ўз иши билан чегараланиб қолмаслиги керак. У доимий равишда иқтисодий, сиёсий билимларини бойитиб бормоғи зарур, – деди жумладан Дилором Тошмуҳамедова. – Тажрибадан маълумки, тадбиркорда, аввало, ўзига ишонч, шижоат, олдига қўйган аниқ мақсади бўлиши керак. Шунингдек, тадбиркор давлат томонидан бирилаётган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганишга иштиёқ каби хусусиятларни ўзлаштириши лозим.

Айни вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Ушбу меъёрий ҳужжат бизнес субъектлари учун қулай муҳитни шакллантиришга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда демократлаштириш жараёнининг асосий талабларидан бири – тадбиркорлик, фуқаролик жамиятининг бошқа субъектлари, мамлакатимиз фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини барпо этиш таъминланади.

Маърузачи «Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сонининг қисқартирилиши ва унинг тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Мазкур қонун лойиҳаларини муҳокамага тайёрлаш жараёнида партия фракцияси депутатлари ҳам ўзларининг қатъий таклифларини билдириб ўтаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойша Охунова сўзга чиқиб, «Ҳакамлик суди тўғрисида»ги қонун лойиҳасига қисқача шарҳ бериб ўтди.

Қизғин мулоқот руҳида ўтган йиғилиш сўнгида тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда хусусийлаштириш шакл ва услубларини такомиллаштириш, корхоналарни тўлиқ ва акцияларнинг давлат пакетларини хусусий мулкка сотиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг амалдаги барча соҳаларида мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш жараёнларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш учун шарт-шароит яратди. Давлат активлари ва акциялар пакетларини нолга тенг қиймат бўйича сотиш кейинги йилларда амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилиш амалга оширилди.

Шу билан бирга, Давлат мулки қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини жиддий яхшилаш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари асосий эътиборни майда, иккинчи даражали масалаларга қаратиб, хусусийлаштиришнинг муҳим стратегик йўналишлари бўйича тегишли даражада ташаббускорлик кўрсатмаяпти, фонд бозорини кенгайтириш ва қимматли қоғозлар бозори, айниқса, иккиламчи бозорни ривожлантиришни фаоллаштириш бўйича зарур чоралар кўрмаяпти.

Бозорда монопол мавқега эга бўлган, катта инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар оқимига, замонавий технологияларнинг жорий этилишига эҳтиёж сезаётган йирик компанияларни хусусийлаштириш бўйича ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Кўплаб холдинг ва акционерлик компанияларнинг низом жамғармаларида акцияларнинг давлат пакетлари улуши асоссиз равишда юқорилигича сақланиб қолмоқда.

Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг хусусийлаштирилган корхоналарда давлат активларини самарали бошқариш бўйича фаолияти қўйилган талабларга мутлақо жавоб бермайди. Давлатнинг ишончли вакиллари ва бошқарувчиларининг ишлари юзаки ташкил қилинган бўлиб, амалда “директорлар корпуси” акционерлик жамиятларини бошқариш тизгинини ўз қўлларида ушлаб турибди. Малакавий талаблар ва кузатув кенгашлари ишларини баҳолашни тартибга солувчи меъёрий базанинг йўқлиги акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини фаол ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида жиддий камчиликлар мавжуд. Тизим ходимларини аттестация қилиш натижалари мутахассислар, айниқса, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларининг малакаси пастлигини кўрсатди. Бу қўмита олдига қўйилган вазифа ва функциялар қониқарсиз бажарилишининг асосий сабабларидан биридир.

Хусусийлаштириш жараёнларини янада фаоллаштириш, давлат мулкини бошқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек, Давлат мулки қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раҳбариятининг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича иши қониқарсиз, деб топилсин.

Давлат мулки қўмитаси органлари ишидаги камчиликларни бартараф этиш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, корпоратив бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни таъминлашга доир тадбирлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича комплекси (Р.Азимов) тасдиқланган тадбирларни белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин. Қайд этилган тадбирлар ижроси натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига мунтазам маълумот берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда давлат мулки улушига эга хўжалик юритиш жамиятларидаги кузатув кенгашлари фаолияти, улар томонидан 2005 йилги бизнес-режаларнинг бажарилишини, шунингдек, белгиланган тартибда тасдиқланган 2006 йилги бизнес-режалар мавжудлигини атрофлича таҳлил қилсин.

Бизнес-режаларнинг асосий кўрсаткичлари бажарилмаган ёки жорий йил учун самарали бизнес-режалар мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу хўжалик юритиш жамиятларидаги ишончли давлат вакиллари ёки компаниялар бошқарувчиларини алмаштиришни, ижрочи директорларни белгиланган тартибда лавозимидан озод этишни амалга оширсин.

(Давоми 2-бетда.)

Бухорода минтақавий семинар

Дилмурод ЖАББОРОВ,
«Адолат» мухбири

Бухоро Давлат тиббиёт институтида «Адолат» СДП Бухоро вилоят Кенгашлари котиблари ҳамда партия фаоллари ташаббуси билан «Сиёсий партиялар ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг мамлакатимиз сиёсий майдонидаги ўрни» мавзуида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмуҳамедова кириш сўзи билан очди.

– Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсад қилиб белгиланган, – деди нотиқ. – Бунинг учун, энг аввало, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини юксак даражага кўтариш лозим. Бу муҳим масала эса, ўз-ўзидан мамлакатимиздаги сиёсий партиялар зиммасига юксак масъулият юклайди. Бинобарин, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли кишиларда катта қизиқиш уйготади. Улар сиёсий партиялар ҳақида кўпроқ ва чуқурроқ тасаввурга эга бўлишни истайдилар. Партия фаолларининг тарғибот-ташвиқотлари самарали бўлиши учун барча сафдошларимиз халқ ичига кириб бормоқда. Аммо ҳали кўп ва хўп ишлашимиз керак.

Минтақавий семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зуҳра Ботированинг «Кучли ижтимоий сиёсат – ижтимоий адолат гарови», ТДЮИ кафедра мудири, профессор Г.Маткаримованинг «Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш жараёнлари», Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари, профессор Файзулла Мўминовнинг «Партиянинг ташвиқот-тарғибот ишларини йўлга қўйиш», сиёсий фанлар номзоди, доцент Қаҳрамон Турсунқуловнинг «Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва халқаро социал-демократик ҳаракат», «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташкилий бўлими мудири Илҳом Сафаровнинг «Ахборот хуружлари ва уларга қарши курашиш» каби ўнга яқин мавзуларда маърузалар тингланди.

Қизғин музокараларда Бухоро вилоят Кенгаши биринчи котиби, профессор Раҳмат Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, партия фаоли Исомиддин Жумаев, Бухоро тумани кенгаши биринчи котиби Файзулла Раҳматовлар ҳам сўзга чиқиб, амалий таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Анжуман якунида Дилором Тошмуҳамедова сўз олиб, партия аъзолари ва фаолларини мамлакатимизда жорий йилнинг майиюнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида ҳам фаолликни қўлдан бой бермасликка даъват этди. Семинар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Истиқлол одимлари

Йўлимизни ҳеч ким тўсолмас

Яхши кураман деса, ёмон бузаман дейди

Бор нарсани кўриб кўрмасликка олиш, тан олмаслик ёмон...

Бировнинг ютуғи, омади, унибўсишига гайирлик қилишни ҳасад дейишади. Қизиқ, бу иллат нафақат одамлар, ҳатто турли жамияту давлатлар орасида ҳам учрар экан.

Бугун дунёда кечаётган сиёсий жараёнларга назар ташласак, бир жиҳат аён кўринади: дунёда ўз гегемонлигини ўтказиш, ўзга давлатларни ўзига қаратиш, уларнинг ишига аралашиш, ўз доирасига тортиш кайфияти айрим йирик давлатларга хос.

Ўзининг бунёдкорлик ишлари билан банд давлатимиз шаънига турли бўҳтонлар айтаётган, ҳар хил сиёсий қараш ва ўйинларни тиқиштиришга уринаётган кучларнинг хизматкорига айланиб улгурган баъзи бир хорижий матбуот воситалари бизни ҳатто иқтисодий қолоқликда, демократиясизликда айблашдан ҳам тоймаётирлар.

Наҳотки, улар ўз йўлини ўзи белгилаб олган, олдига қўйган мақсади сари дадил одимлаётган мустақил мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига аралашаётгани замирида нима ётганини халқимиз тушунмайди, деб ўйлашаса?! Ўтган йилги “Андижон воқеалари” сценарийсини саҳналаштирган ташқи кучларнинг муддаосини одамларимиз англаб етмайди деган хаёлга борган, чучварани хом санаган бузғунчи кучлар, баъзи бир экстремистик кайфиятга берилган кимсаларни йўлдан уриб, юртда ички низо ва адоватни ёқишга интилганлар. Шундай қилгач, юрт пароканда бўлади, бунёдкорлик руҳияти сўнади, бундай ҳолга тушган давлатни эса бемалол тобе этиш, унинг бой табиий ресурсларини талон-тарож қилиш, бу юртда ўз таъсир доирасини сақлаб қолиш мумкин бўлади, деб ўйлашганди...

Юртимизга қилинган хуружларнинг барчасида ташқи кучларнинг ана шундай ғаразли ўй-ниятлари ётибди. Буни англаш, тушуниб етиш учун эса уйғоқлик зарур. Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам ҳам бўлмаймиз, деган ақида билан меҳнат қилаётган халқ ўз келажагини яратаяпти.

Пойдевори мустаҳкам юрт

Амударёнинг икки қирғоғини туташтириб, Хоразм билан Қорақалпогистонни боғлаган улкан кўприкка қадар кета-кетгунча йўл.

Неча-неча асрлардан бери оқаётган азим дарёга боқиб, халқимизнинг оққан дарё барибир оқаверади, деган ҳикматли гапи ёдга тушади. Дарё сатҳидан қайтган қирмизтус ёғду ажиб жилоланади. Бундай сирли-сеҳрли манзарага боқиб, дунёнинг ҳеч бир жойида учрамайдиган гўзалликнинг гувоҳи бўлиб турганингизни ҳис қиласиз. Кўнглингизда бизнинг қуёшимиз ҳам, дарёмиз ҳам, саҳроларимиз ҳам айрича, бундай хушчирайлик ҳеч жойда йўқ, Ер шари улкан, мамлакатлар кўп, лекин Ўзбекистон ягона, деган ўйга борасиз.

Беруний туманида ўша куни одамлар ҳашарга чиқишибди. Туман марказида боғ барпо этиш мақсадида кенг майдонга турли хил мевали кўчатлар ўтказилди. Кўчаларда баҳор юмушлари билан банд одамлар тўлқини жўш урди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлади. Бутун туман аҳли ўзи яшаётган гузару маҳалла, қишлоғу овулни обод этди. Минглаб ниҳоллар ерга қадалди. Ҳаёт ва тириклик рамзи ерда илдиз отди.

Тумандаги 67-мактаб директори Лола Қодирова шундай дейди:

– Ҳар қандай, энг баланд иморатга ҳам дастлаб пойдевори қўйилади. Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлигида Мустақиллик иморатининг дастлабки гиштини қўйилди. Бу иморатнинг мустаҳкамлиги шундаки, халқимиз Юртбошимиз билан якдил. Халқ қўллаб-қувватлагани учун, халқнинг истак ва хоҳишлари жо бўлгани боис Истиқлолимиз кўргони мустаҳкам. Бу барҳаётлик иморатини ҳеч бир куч йиқитолмайди. Фарзандларимизни мургаклигиданоқ сен шу Ватаннинг эртаси, умиди, сен экаётган кўчат эртага улкан дарахт, ниҳолзор эса боғ бўлади, сен фаол бўлсанг миллатнинг келажаги порлоқ бўлади, эртанги кунимиз сенинг қўлингда, деган тушунчалар билан тарбиялашимиз керак. Улар шу Ватанда ўз ўрнини ҳис қилса, ҳеч қачон бефарқ ва бепарво бўлиб улгаймайдилар.

Муаллима кўнглидагини айтди. Ҳаётий, ҳавойиликдан йироқ гаплар.

Яратаётган халқ жипс ва бирдаму бардам экан, унинг эзгу мақсадларидан ҳеч бир куч, ҳеч бир ақида қайтара олмаслигига Берунийдаги суҳбатлар асносида яна бир карра амин бўлдик.

(Давоми 3-бетда.)

Маданий ҳамкорлик истиқболи муҳокамаси

Пойтахтимизда 27 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, Қозоғистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Е.Ертисбаев, Хитой Халқ Республикаси маданият вазирининг ўринбосари Мэн Сяоси, Қирғизистон Республикаси маданият вазири С.Раев, Россия Федерацияси маданият ва оммавий коммуникациялар вазирининг ўринбосари Д.Амунц, Тожикистон Республикаси маданият вазири Р.Амиров ҳамда ШҲТ Котибияти вакиллари иштирок этди.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари нафақат ўзаро сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, балки ташкилот доирасида ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратадилар. Зеро, маданий алоқалар халқлар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи энг асосий омиллардандир. Ҳамкорликда ташкил этиладиган турли кўргазмалар, фестиваллар, анжуман ва симпозиумлар мазкур халқаро ташкилот муҳитида яшовчи халқларнинг бир-бирини яқинроқ таниши учун яхши имконият яратади. Бунинг натижасида давлатлараро муносабатларнинг пойдевори янада мустаҳкамланади.

Маълумки, ШҲТ доирасида мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг, ташқи ишлар ва мудофаа маҳкамалари раҳбарларининг, иқтисодиёт, савдо-саноат ва молия вазирларининг, маданият вазирларининг кенгашлари фаолият юритади.

Маданият вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтган бу галги мажлисида ШҲТ доирасида маданий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар муҳокама этилди. Иштирокчилар бу йўналишдаги алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш учун имкониятлар кўплигини, ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг бой маданияти ва ранг-баранг санъатининг ўзаро тарғиботи биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштиришни тақозо этаётганини таъкидладилар.

Кенгаш қатнашчилари ШҲТ мамлакатлари ўртасида кўп томонлама маданий ҳамкорлик бўйича 2007-2008 йилларга мўлжалланган режанинг ижроси ҳамда жорий йил июнда Хитойда ШҲТга аъзо мамлакатларнинг иккинчи санъат фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўришнинг боришига оид масалаларни муҳокама қилдилар. ШҲТ доирасидаги маданий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Хусусан, аъзо давлатлар ўзаро маданият кунларини ўтказиши, ШҲТ доирасидаги халқаро фестивалларда фаол қатнашиши анъанага айланиб бормоқда.

Жумладан, 2005 йил августда Самарқанд шаҳрида ўтган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалига ШҲТга аъзо барча мамлакатлардан вакиллар келиб, ўз миллий санъатини намойиш этди.

Мажлис қатнашчилари мўйқалам соҳиблари, миллий рақс ва мусиқа устолари, театр жамоалари ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш ва рағбатлантириш, маданий алоқаларни ривожлантиришда сайёҳлик соҳаси имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш имкониятларини ҳам кўриб чиқдилар.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) Вазирлар Маҳкамасида ҳар йили тасдиқланадиган жадвал асосида Кузатув кенгашлари раислари ва давлат активларига эга йирик компаниялар раҳбарларининг компанияларнинг аҳволи ва уларни ривожлантириш тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам тинглашни таъминласин ва натижаларга кўра уларнинг ишларини баҳоласин, жавобгарликнинг маъмурий чораларини қўлласин ва давлат органларининг Кузатув кенгашидаги аъзолари ҳамда компаниялар раҳбарларини эгаллаб турган лавозимидан озод этсин.

б) бир ой муддатда давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги янгиланган Низомни тасдиқласин. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилсин:

давлат активларини хусусий мулкка сотишни амалга ошириш механизмини аниқ белгилаш;

олди-сотди шартномалари ва янги мулкдорнинг, жумладан, инвестиция мажбуриятлари, корхонанинг хусусийлаштиришдан кейинги барқарор фаолият юритиши, объектни харид қилиш пайтида тақдим этилган бизнес-режа кўрсаткичларини бажариши бўйича ўз зиммасига олган масъулиятини белгиловчи томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ҳақидаги шартномалар моддаларининг аниқ мазмун-моҳиятга эгалиги;

объектлар ва корхоналарни улар жойлашган ер майдонлари билан бирга хусусийлаштириш;

акцияларни янги мулкдорга фақат у кийматини тўлиқ тўлаганидан ва инвестиция мажбуриятларини бажарганидан сўнг мулк қилиб бериш.

4. Қуйидагилар тасдиқлансин:

2 ва 3-иловаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати таркиби бошқарув ходимлари сони 125 бирликдан ошмаган ҳолда;

4, 5 ва 5а-иловаларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тузилмаси ва Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси;

6-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича маркази бошқарув ходимлари сони 93 бирликдан ошмаган ҳолда, шу жумладан марказий аппарат ходимлари тузилмаси 25 бирликдан ошмаган ҳолда;

7-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси тўғрисидаги Низом.

Белгилансинки, Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармалари бевосита Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига бўйсунади ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига ҳисобот беради.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

"Давинком" давлат инвестиция фирмасини тугатиш ва унинг функцияларини Давлат мулки қўмитаси марказий аппаратининг биржа ва биржадан ташқари савдоларда давлат активларини сотиш билан шуғулланувчи бўлинмаларига ва унинг ҳудудий бошқармаларига бериш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш илмий-текшириш институтини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарув ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш марказига айлантириш;

"Мулкдор" газетасини "Биржа" газетасига айлантириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

бир ой муддатда қўмитанинг ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги намунавий Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ва мутахассисларининг вазифаларини, хусусийлаштириш бўйича ҳудудий дастурларни ўз вақтида амалга ошириш, давлат мулки бошқаруви самарадорлигини таъминлаш, инвесторлар зиммасидаги инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши учун шахсий масъулиятини аниқ белгилашга алоҳида эътибор қаратсин;

ҳайъатнинг ойлик йиғилишларида алоҳида ҳудудий бошқармалар ва уларнинг бўлимлари раҳбарларининг юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлар самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб боришни амалиётга жорий этсин, бунда уларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари, шу жумладан эгаллаб турган вазифасидан озод этишгача бўлган чораларни қўлласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 июндаги 303-сонли "Давинком" инвестиция фирмасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ва 2003 йил 24 июлдаги 325-сон "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган, деб топилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни тақдим этсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.САзимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.Каримов

Тошкент шаҳри,
2006 йил 26 апрель

Партия кўзгуси

Янги котиб, янги вазифалар

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман Кенгашлари котиблари ва партия фаоллари иштирок этди.

Бугун сиёсий жараёнда партия фаолиятини янада жонлантириш, аъзолар сафини кенгайтириш, халқ орасига чуқурроқ кириб бориш ҳар бир партия ташкилоти аъзосининг асосий мақсадига айланмоғи даркор.

Ана шундай бир пайтда Тошкент шаҳар партия ташкилоти қандай ишларни амалга оширмоқда? Эътироф этиш лозимки, парламент сайловларидан сўнг шаҳар партия ташкилоти фаолияти сезиларли даражада жонланди. Мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, ҳали камчиликлар етарли. Хусусан, Кенгаш раҳбарияти фаолиятида жонбозлик, фаоллик етишмаётир. Етакчи фаол бўлса, ўз орқасидан аъзоларни эргаштира олса, ана шундагина ташкилот ўз олдига қўйган мақсадларга эриша олади.

Музокараларда сўз олган Жамшид Жалолов, Хайрулло Мўминов, Тошпўлат Матибоев, Олим Сиддиқов, Холида Муҳамедова, Умида Файзиева ва бошқалар бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Фарида Фармонова шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ўз мухбиримиз

Солиқ

Фармон самараси Ҳамкорликдаги рейдлар

Озод АЛИХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман ДСИ инспектори

Бугун Юртбошимиз ташаббуси билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада эркинлаштириш, улар фаолиятига ортиқча аралашувларга чек қўйиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳадаги ислоҳотларнинг жадаллашувига катта туртки бўлди.

Фармон ижросини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний ва ортиқча аралашувларга чек қўйиш юзасидан туманимизда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳуқуқи бўлган барча ходимлар қайта шаҳодат синовидан ўтказилиб, гувоҳномалар билан таъминланди. Шу билан бирга барча назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини рухсатсиз текширганлиги учун етказилган иқтисодий зарар ўрнини қоплаган ҳолда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди. Бунинг самараси билан бугунга келиб назорат органлари томонидан текширувлар сони кескин камайди. Биргина шу йилнинг биринчи чорагида назорат органлари томонидан бор-йўғи 77 та текширув ўтказилди. Бу 2005 йил шу даврига нисбатан 55 тага камдир.

Мутасадди ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда тадбиркорлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга катта эътибор беряпмиз. Тадбиркорликка доир қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда чиқишлар ташкил этилаётир. Бу яхши самара бериб, амалдаги қонун-қоидаларга зид фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони кескин камайиб бормоқда.

Т.МАМАЖОНОВ,
Андижон вилоят ДСБ Жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи

Бугунги кундаги долзарб масалалардан бири республикамиз ҳудудига сифатсиз импорт маҳсулотлари олиб келинишининг олдини олиш, ички иқтисодиётни ривожлантириш асносида бозорни маҳаллий рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан давлатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашдир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш учун вилоят Давлат солиқ бошқармаси жамоаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Мазкур режага кўра жами 22 та тегишли орган ва мутасадди идораларнинг раҳбар ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодиёт ҳамда ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарларидан иборат штаб тузилди. Иш қўшни республикалардан вилоят ҳудудига ноқонуний товарлар олиб келинишини назорат қилишдан бошланди: вилоят Ички ишлар бошқармасида ички ишлар, СВОЖҚКБ, ИХХБ, солиқ ва божхона ходимларидан иборат махсус гуруҳлар тузилди. Йўл патрул хизматига қарашли барча масканларда текшириш ва кузатиш ишлари мунзам йўлга қўйилди. Шунингдек, чегара ҳудудларида ноқонуний олиб ўтилган товарлар сақланадиган ва тарқатиладиган уй-жойлар, омборхоналарни аниқлаш мақсадида маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда рейдлар ўтказилди.

Самара яхши бўлди. Шу йилнинг ўтган даврида 158 ҳолатда қонунга зид равишда сифатсиз товар-моддий бойликларни олиб кириш ва савдо қилиш ҳоллари аниқланди. Ҳеч қандай ҳужжатларсиз 40433,0 минг сўмлик товар-моддий бойликлар мусодара қилинди. Расмийлаштирилган ҳужжатлар суд идораларига юборилиб, қонунбузарларга тегишли жазо чоралари қўлланилди. Агар бу рақамларни иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, далилий ашё сифатида олинган ва мусодара қилинган товар-моддий бойликлар жавобгарликка тортилган ҳар бир «норасмий тадбиркор» учун ўртача 255,9 минг сўмдан тўғри келмоқда. Яъни, фуқаро ноқонуний фаолияти учун шунча миқдордаги маҳсулотидан айрилиб, маъмурий жазога тортилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, агар фуқаро қонунда белгиланган тартибда фаолият олиб борганида эди, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаб, давлат олдидаги ўз фуқаролик бурчини адо этган бўларди. Бюджетга тўланган солиқлар эса кам таъминланган оилаларга, қариялар ва ногиронларга нафақа тариқасида берилиб, бундан тадбиркор ишига самара, даромадига барака келарди.

Бугуннинг гапи

...тўралар ҳали уни, ҳали буни, баҳона қилиб ўз вақтида маҳсулот беришмайди

Чорва – бисёр давлат

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири

Бойниёз ака Жўраевни сурхондарёликлар яхши билишади. Суяги чорвачилигу пахтачиликда қотган. Ҳозирги кунда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи. У билан бўлиб ўтган суҳбатимиз шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш тўғрисида кечди.

– Вилоятимиз салоҳиятини асосан пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик белгилайди, – сўз бошлади у. – Ердан мўл ҳосил олишнинг бирдан бир йўли – маҳаллий озуқага бориб тақалади. Бунинг учун эса чорвани ривожлантириш керак. Чорва ривожланса, ер ҳам қаддини ростлайди. Юртбошимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг туб моҳияти ҳам ана шунда...

Дарвоқе, чорвачиликни ривожлантириш, тармоқда мўл-кўл маҳсулот ишлаб чиқариш учун мукаммал тизим яратилиши кераклигини давр тақозо қилмоқда. Аввало етарли озуқа бирлигини яратиш, кенг яйловларга эга бўлиш, самарали ветеринария хизматини йўлга қўйиш зарур.

Ана шунда чорвадорнинг қозони қайнаб, ёғвонида мойи тиралиб туради. Шундагина уни том маънода давлатманд деймиз...

Шамсиддин ота мулкдор бўлди

ТАФАККУР 2

– Бугун туманимизда алоҳида чорвадорлар мактаби яратилган, десак муболаға бўлмайди, – сўзга қўшилди Денов туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассиси Тоштемир Қурбонов. – Туманда 84 та фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев, «Баҳриддин» фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Файзуллаев, «Ш.Йўлдошев» фермер хўжалиги сарбони, Шамсиддин ота Назировларнинг ҳар бири катта салоҳиятга эгадир.

...Шамсиддин ўн ёшга кирганида отасидан жудо бўлди. У оиланинг тўртинчи фарзанди эди. Онасига ёрдам бергани далага чиқиб меҳнат қилди. Меҳрини пахтазорга берди. Уйланиб 6 ўғил, 5 қизли бўлди. 1995 йили қизларидан бирининг ўқишидаги контракт тўловига ўз иш ҳақидан ўтказиб бергани ширкат хўжалиги раисига борди. Раис унинг чеҳрасидаги ташвишларини англадими, сўради:

– Хўш хизмат, нима ташвиш?

– Қизим университетда ўқийди. Шунга иш ҳақимдан ўтказсам йўқ демассиз.

– Майли. Ўтказинг. Лекин менинг бир таклифим бор. Ҳозир ер, боғу-роғлар хусусий мулкка айлантирилаяпти. Келажак мулкдорларники. Серфарзандсиз, эртага замонанинг ташвишлари чарчатиб қўймасин, дейман-да, – деди раис меҳрибонлик билан.

Раиснинг гурунги янгилик эди. Эшитиб хаёлга толди. Раис жилмайиб туртиб қўйди.

– Нима бўлди? Хўш, нима дейсиз?

– Мен уйдагилар билан маслаҳатлашай.

Кўп ўтмай «Шамсиддин ота чорвадор бўлибди» деган хабар бутун бошли туманга ёйилди.

Бугун отанинг моллари 335 тага етди. Биргина шу йилнинг ўзида 30 дан ошириб бузоқ олди. Боғларни қайта тақсимлаш тендерида қатнашиб, 71,5 гектар ерга ҳам эгалик ҳуқуқини қўлга киритди. Молларини ўтлатишига 324 гектар яйлов яратди.

Ота ёнида ўтирган бош ҳисобчи Абдумалик Мусиновга ишора қилиб ҳисоботларини таҳлил қилиб беришини сўради.

– Ўтган йили ҳар бир гектар ердан 45 центнердан пахта, 75 центнердан сара дон етиштирдик. Ортирган соф даромадимиз жамоамизни тўла қониқтирди. Бу йил 19,5 гектар ердаги ғаллазоримиз бошоққа ўтирди. 22,4 гетар майдонга чигит қададик. Униб чиқиши яхши. Чорвамиз учун 11 гектар майдонга беда, 5 гектарга макка экканмиз. Айтганча, ўтган йили мавжуд соғин сигирларимиздан 60 тонна серқаймоқ сут соғиб олдик.

Бугун мулкдор даласида 2 та «Т-28», 2 та «Белорус МТЗ-80» ҳайдов тракторлари наъра тортмоқда. Комбайнлар ғалла ўрим-йиғимига шай.

Тармоқ ривожига тўсиқ

– Жиддий ўйлантираётган муаммолар кўп, – яна ўзи гапга қўшилди ота. – Мана, «Сурхонозиқовқатсаноати» корхонасини олинг. Хўжаликларни широт, шелуха озуқалари билан таъминлаб келади. Банкдаги ҳисоб рақамимизда пулимиз бор. Лекин корхонадаги тўралар ҳали уни, ҳали буни, баҳона қилиб ўз вақтида маҳсулот беришмайди.

Оқибатда фондимиз муддати ўтиб, қуйиб қолаяпмиз. Тагин, бераётган емларига жиққа сув аралаштириб машинага юклашади. Бир машина шелуханинг 8-9 тоннага тош босади. Қуёшга қуритиб олсангиз, зўрга ярми қолади. Бунинг устига нархи қиммат. Сифатига «чечак» тошган. Ишонсангиз, кузови тўла бир «Камаз» шелуха келтирдим. Қуритиб бўлгунимча ярмидан ортиғи кўкариб, панглаб кетди. Зарар кўрдим. Бундай бўлгач, сут қамаяди, қаймоғи ширин бўлмайди. Молнинг ҳам соғлиғига зарар...

Куни кеча хушхабар тарқалди: «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан Шамсиддин ота кам таъминланган оилаларга 2 бош сигир ҳадя этибди».

Меҳр-оқибат ва бағрикенглик деган миллий қадриятларимизнинг рамзий кўринишлари шу эмасми?

Жиноят ва жазо

Нафс қулига айланганлар

Тўхтасин ҚУРБОНОВ,
Термиз шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси.
Тўлқин ТЕМИРОВ,
"Адолат" мухбири

Баҳром Шомуродов ёш билимли ва энг асосийси ғайратли йигит. Мактабни, олий ўқув юртини аъло баҳоларга битирган. У ўз иш фаолиятини 1995 йили банк тизимидан бошлади. Ўзининг меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги билан кўпчилик назарига тушди. Шунинг учун ҳам у 2004 йил 6 апрелда савдо ва тижоратга кўмаклашувчи акционерлик тижорат "Савдогарбанк"ининг Сурхондарё бўлими бошқарувчиси ўринбосари лавозимига тайинланди. Орадан кўп ўтмасдан, аниқроғи, 2005 йилнинг 12 январидан "Савдогарбанк"нинг Сурхондарё вилоят бўлими бошқарувчиси вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

Шу-шу амал курсисига чикдию у халқнинг эмас, аксинча, халқумини ўйлай бошлади. Унга шериклар ҳам осонгина топилди. Вилоятда фаолият кўрсатиб келаётган "Найтон-Сурхон" хусусий фирмаси раҳбари Гулнора Худойбердиева ва "Музработ" тайёрлов савдо корхонасининг раҳбари Раҳмонқул Тўраназаровлар билан жиноий тил бириктириб, 2004 йилнинг 15 сентябрида банк ва тайёрлов савдо корхонаси ўртасида олтмиш миллион сўм имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида 35-сонли шартнома имзоланишига эришди.

Юқоридаги банк ва тайёрлов савдо корхонаси ўртасида имзоланган 35-сонли кредит шартномаси асосида банк Музработ тайёрлов савдо корхонасига 60 миллион сўм кредит маблағи ажратиб беради. Маълумки, банклардан томонидан турли ташкилотлару хусусий тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар маълум бир мақсадга йўналтирилади, лекин бу ўринда аксинча бўлди.

"Савдогарбанк" Сурхондарё вилоят бўлими томонидан Музработ тайёрлов савдо корхонасига ажратилган олтмиш миллион сўм маблағнинг 11.309.000 сўми ноқонуний равишда "Найтон-Сурхон" хусусий фирмаси ҳисоб-рақамига кўчириб берилди. Ҳисоб рақамига "осмондан пул" келиб тушган "Найтон-Сурхон" хусусий корхонаси раҳбари Гулнора Худойбердиева умумий сумманинг 9.300.000 сўмини накд пулга айлантириб, банкдаги ҳомийси Б.Шомуродовга қўшқўллаб олиб бориб берди. Албатта, қолганини ўз ҳамёнига урди.

Ўз ҳомийларининг қўллаб-қувватлаб турганидан руҳланган Г.Худойбердиева барча сохта операцияларни ўзига тегишли "Найтон-Сурхон" хусусий фирмаси орқали амалга ошира бошлади. 2004 йил 24 ноябрь куни банк мижози бўлган жисмоний шахс А.Ўтановнинг жамғарма ҳисоб рақамида бўлган 2115,9 минг сўм маблағини, 2004 йил 29 ноябр куни яна бир банк мижози, жисмоний шахс Ч.Дўстқуловнинг жамғарма ҳисоб рақамидаги 2900.0 минг сўм маблағини ҳеч бир иккиланмай ўз ҳисоб рақамига ўтказиб, нақдлаштириш йўли билан ўзлаштириб юборади. Албатта, бу ўринда "Савдогарбанк" Сурхондарё вилоят бўлими раҳбарлари Г.Худойбердиевани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб тургани аниқ. Ахир бировнинг банк ҳисоб рақамидаги шахсий пулини бошқа биров банкнинг рухсатисиз ўзлаштира олмаслигини билиш учун банк ходими бўлиш шарт эмас-ку.

Тўғриси, юқоридагидай сохта операциялар ҳақида яна истаганимизча мисол келтиришимиз мумкин, лекин...

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Каттами ёки кичикми, қонунбузарлик юз бердими, албатта, куни келиб фош бўлади. Олиб борилган тергов-суруштирув ишлари пайтида худди юқоридагидек ўнлаб ҳолатлар фош этилди. Шу йилнинг 2 мартида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган суд жараёнида беш нафар айбдор жиноятига яраша қонуний жазосини олди.

Ўқув-услубий семинар

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг самарасини ошириш ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари» мавзусида ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда давлатимиз раҳбарининг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва таргибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга тадбиқ қилишда турли интерактив усуллардан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, семинарда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш учун фуқароларда масъуллик туйғусини шакллантириш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар тақдири фуқаролик бурчи билан чамбарчас боғлиқлигини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдириш масалалари асосий диққат-эътиборда бўлди. Семинарда маънавий-маърифий ва таргибот-ташвиқот ишларида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-адбирлар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

Йўлимизни ҳеч ким тўсолмас

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бунёдкорлик

Тўрткўл Беруний туманининг ёнгинасида, Қорақалпоғистондаги илғор туманлардан бири. Истиқлолдан сўнг Тўрткўлда ҳам барча жабҳаларда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Туманнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Фикрларимизнинг далили ўлароқ, сафар давомида ён дафтаримизга туширилган қуйидаги қайдларни келтириб ўтсак.

Кейинги уч йилда пахта, ғалла, пилла топшириш режалари ошиғи билан бажарилди. Ўтган йили давлатга пахта сотиш режаси ортиғи билан адо этилиши натижасида 3,4 миллиард сўм соф фойда олинди.

Чорвачилик соҳасида кейинги уч йилда давлатга гўшт, тери, жун топшириш режалари ортиғи билан уддаланиб, қорамоллар ва қўйларнинг бош сони 2003 йилга қараганда 5,6 фоизга ўсди. Тўрткўл сур териси жаҳон кўргазмасида алоҳида реестрга олиниб, сертификат берилди.

Чет эл сармоялари жалб қилиниб, туманда "Тўрткўлтекс" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ишга туширилиб 670 нафар киши иш билан таъминланди. Айни пайтда қўшни туманларга ҳам хизмат қиладиган 3 та автомобилларни газ ёқилғиси билан тўлдирадиган шохобча қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Туманда янги ун тегирмони қуриш режалаштирилган. "Ўздонлойиҳа" институти томонидан тайёрланган лойиҳага асосан, чет эл сармояларини жалб қилган ҳолда аҳолини сифатли ун маҳсулоти билан таъминлаш мақсадида Туркиянинг "ELIF MAKINA" тижорат ширкати билан технологик ускуналарни етказиб бериш ва ишга тушириш бўйича шартнома тузилди. Мазкур режага асосан, қўшма корхона қурилишига 350 минг АҚШ доллари сарфланади.

Хитой Халқ Республикасининг "XAINAN ZXONGXE (GROUP) GORD LTD" корпорацияси билан буян томири (солодковый корень) етиштириш бўйича келишув баённомаси имзоланди. Бу лойиҳа ишга тушса, тағин 1000 гектар ер ўзлаштирилиб, қўшимча 120 ишчи ўрни очилади. "Жанубий Қорақалпоғистон ирригация ва дренаж тармоқларини яхшилаш" лойиҳаси асосида Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, 74 миллион 550 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш бўйича талай тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2004 йилда 211 та, 2005 йилда 296 та кичик ва хусусий бизнес корхоналари ташкил қилиниб, ҳозирги кунда 1000 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатяпти. Туманда тузилган дастурга асосан, фақат 2006 йилнинг ўзида ҳар чоракда 1000 тадан, йил давомида 4000 янги ишчи ўринлари очиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, 400 га яқин деҳқон хўжаликлари иш бошлаш арафасида. Буларнинг барчаси туманда касаначилик, паррандачилик ва уйда ишни ташкил қилиш, юридик мақомга эга бўлган деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, ўнлаб иссиқхоналар қуриш эвазига ташкил қилинади.

Тўрткўлда Россия Федерациясининг "Олтой" трактор заводи билан ҳамкорликда "Тўрткўлсельмаш", Буюк Британия билан ҳамкорликда эса "Динур" қўшма корхоналари ишга туширилди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да соғлиқни сақлаш тизимида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ҳозир туманда 22 та даволаш муассасаси, 6 та қишлоқ врачлик амбулаторийси, 9 та қишлоқ врачлик пунктлари, 750 ўринли шаҳар поликлиникаси, 100 ўринли болалар маслаҳатхонаси, Республика болалар санаторияси аҳолига кўнгилдагидай хизмат қилаяпти.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарори билан тумандаги "Оққамиш" овул фуқаролар йиғини ҳудудида "Мискин" темирйўлчилар шаҳарчаси барпо қилинди. Жорий йилда бу ерда катта темирйўл депоси, 140 ўринли мактаб, 50 ўринли касалхона ва яна 26 та темирйўлчилар учун турар-жой бинолари қуриш мўлжалланган.

Энг муҳими, одамларнинг кайфияти кўтаринки. Улар ўз меҳнатлари самарасидан ҳурсанд. Бундай бунёдкор халқнинг иродасини синдириб бўладими?

Саҳродаги мўъжиза

Тўрткўлдан ўтиб Элликқалъага келдик. Туман ҳокими Неъматулла ака Худойберганов зиёли, маърифатли инсон. Адабиёт ва санъатнинг чинакам шайдоси. Элликқалъа турли хил маърифий тадбирлар, анжуманлар масканига айланган. Маънавиятнинг ҳомийси бўлиш, халқ зиёлиларини улуғлаш туйғуси юрагида илдиз отган бундай инсонлар раҳбарлик қилган жойда эса иқтисодий жиҳатдан ҳам юксалиш юз бериши тайин.

Туманда маданият муассасалари ривожланганини шундан ҳам билса бўладики, 32 та кутубхона, 12 та клуб мунтазам ишлаб турибди. Ёш авлод баркамоллиги йўлида фаолият кўрсатадиган мусиқа ва санъат коллежи Истиқлол айёми арафасида ишга тушиши мўлжалланмоқда. Айниқса, спортнинг, хусусан, болалар спортининг ривожланиб бораётгани қувонарли ҳол. Гапимизнинг исботи учун қуйидаги фактларни келтириб ўтсак, айни муддао.

Элликқалъада бугун 7 та замонавий теннис корти, 20 минг томошабинга мўлжалланган стадион, шунингдек, яна 2 та 5 минг ўринли ўйингоҳ, 20 та футбол майдончаси, 28 та спорт зали, 35 та кичик футбол, 68 та воллейбол, 43 та баскетбол, 32 та қўл тўпи майдончалари мавжуд. Ҳозирги кунда ёпиқ сув ҳавзаси қурилмоқда. Энди юқорида айтганимиздай, маданият ва спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан республикамизнинг бошқа кўпгина туманлари билан муқояса қилиб кўрсак, Элликқалъа нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимизда замонавий қиёфада шаклланиб бораётган пешқадам туманлардан бирига айланганини кўрамиз.

Асримизнинг мўъжизавий бунёдкорликларидан бири деб эътироф этилаётган "Учқудуқ — Мискин — Султон Увайсий" темир йўли ишга тушиши муносабати билан туманда ҳашаматли вокзал биноси қад ростлади. 600 ўқувчига мўлжалланган лицей, Молия-бизнес маркази, замонавий супермаркетлар, ўнлаб минимаркетлар... бари-бари иқтисодий ислоҳотлар йўлида дадил одимлаётган бу туманнинг бугунги қиёфасига чизги бўлади.

Яқинда аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун туманда хусусий шоҳбекат ҳам ишга тушди.

Ҳа, истиқлол ишлайдиган, ўз келажагини яратаман, деган халқ учун имкониятлар эшигини кенг очиб берганини эътироф этмоқ керак.

Бугун айрим сиёсатдонлар, хорижлик "билимдон"лар "рангин инқилоб"лар ғояси билан жойларда беқарорликни келтириб чиқаришга уринишмоқда. Мақсад ҳудудни, шунингдек, Ўзбекистонни ҳам турли хил сиёсий ўйинлар майдонига айлантириш.

Халқ билади, англайди. Бизга тинчлик керак. Осудалик керак. Саодатли онлар бу, тинчлик онларидир.

Шоҳруҳ САРИЕВ,
«Адолат» мухбири

Жаҳон парламенти: Ҳиндистон

Депутатлар хоҳлаган масалани кўтариб чиқишади

Палатада «эркин соат»

Саодат ЖАББОРОВА
тайёрлади

Ҳиндистон конституциясига мувофиқ, мамлакат парламенти президент ва икки палата: юқори — Штатлар кенгаши (Раджия Сабха) ва қуйи — Халқ палатаси (Лок Сабха)дан иборат.

Штатлар кенгаши 250 нафар аъзодан тузилган бўлиб, улардан 12 нафари президент томонидан тайинланиб, улар санъат, адабиёт, илм-фан арбобларидир. Қолган аъзолар штатлардаги қонун чиқарувчи йиғинларда пропорционал тамойил асосида сайланади. Депутатларнинг ёши 30 дан ошган бўлиши лозим. Юқори палата эса мунтазам фаолият юритувчи орган бўлиб, тарқатиб юборилиши мумкин эмас. Палатанинг учдан бир қисми ҳар икки йилда янгиланиб туради. Штатлар кенгаши қонун лойиҳаси муҳокамасини кейинга суриб қўйиши, вето эълон қилиши мумкин (молиявий қонун лойиҳалари бундан истисно). Штатлар кенгашининг раиси бир пайтнинг ўзида вице-президент ҳамдир.

Халқ палатаси 545 нафар депутатдан иборат. Депутатлар 25 ёшдан ошган бўлиши лозим. Қуйи палатанинг конституцион муддати беш йил, бироқ бош вазир маслаҳатига биноан президент уни тарқатиб, янги сайлов эълон қилишга ҳақли. Фавқулотда ҳолат деб эълон қилинганда эса бу беш йилга камида бир йил муддат қўшилиши мумкин.

Халқ палатаси Штатлар кенгашига нисбатан кўпроқ ваколатга эга. У молиявий қонун лойиҳаларини кўриб чиқади. Вазирлар Маҳкамаси ҳам Халқ палатаси олдида масъул бўлиб, палатада кўпчилик аъзони ташкил қилган партия раҳбари бош вазир этиб тайинланади.

Парламент қонун чиқаришдек асосий вазифасини одатда йилда уч маротаба (баҳорги, ёзги ва қишки) чақириладиган сессияларда бажаради. Парламент давлат бюджетини тасдиқлайди, солиқ ва тўловларни белгилайди, мамлакат миқёсида тадбиқ этилувчи қонунларни қабул қилади, юқори лавозимли мансабларга номзод кўрсатади.

Одатда қонун қабул қилиниш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: бирон палатага кўриб чиқиш учун қонун лойиҳаси берилгач, умумий мажлисда моддама-модда муҳокама ва сайловдан сўнг лойиҳа иккинчи палатага берилади. Кейин президент тасдиқлайди.

Ҳар куни ўтказиладиган мажлисларга икки соат муҳлат ажратилган бўлиб, бундан биринчи соати вазирларнинг депутатлар берган саволларга жавобларига ажратилади. Иккинчи соати эса (фақатгина Ҳиндистон парламентига хос бўлган ҳолат) «Эркин соат» деб аталиб, бунда депутатлар ўзлари хоҳлаган долзарб масалани кўтариб чиқишади.

Ҳиндистонда аксарият давлатлардагидек қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар фаолияти бир-бирига боғлиқ. Вазирлар албатта парламентдаги бирон бир палатанинг депутати бўлиши, ҳеч бўлмаганда, тайинланганидан сўнг 6 ой ичида шу вазифага тайинланиши лозим.

Парламент депутатлари марказий ҳукумат вазирларига давлат бошқарувидаги мавжуд ҳолатларни ўрганиб, текшириб чиқиш учун махсус комиссия тузиши, ташқи ва ички сиёсат масалалари бўйича тавсияларини қарор шаклида қабул қилиши мумкин. Ҳар иккала палата ҳам ўз қўмиталарига эга. Муваққат қўмиталардан ташқари, муҳим масала ёки давлат аҳамиятига молик масалаларни кўриб чиқадиган мунтазам фаолият юритувчи қўмиталар ҳам мавжуд. Бундан ташқари, тегишли вазирлик ва идоралар қошида «консультатив қўмита» бор.

Хориж хабарлари

Проди ғалаба қилади

Италия Олий апелляция суди мамлакатда ўтказилган парламент сайловининг якуний натижаларини эълон қилди. Шундай қилиб, Романо Проди раҳбарлигидаги сўл марказчилар коалицияси ҳукуматни шакллантиради.

Маълумки, 9-10 апрель кунлари Италияда парламент сайлови ўтказилган ва кураш асосан амалдаги бош вазир Сильвио Берлускони етакчилигидаги "Озод уй" ўнг марказчилар коалицияси ҳамда Романо Проди раҳбарлигидаги "Иттифоқ" муҳолиф блоки ўртасида кечган эди. Дастлаб сайлов натижалари учун асосий жавобгар бўлган мамлакат ички ишлар вазирлиги муҳолиф кучлар муваффақият қозонганини маълум қилган. Бироқ, С.Берлускони буни тан олмаслигини маълум қилиб, бюллетенларни қайта ҳисоблаб чиқишни талаб этди. Шундан сўнг вазият олий суд ҳукмидан кейин ойдинлашадиган бўлди.

Италия марказий сайлов комиссияси қайта ҳисоб-китоблардан сўнг Р.Продининг ғалабасини эътироф этди. Унинг сафдошлари қуйи палатада 55, сенатда эса 158 ўринни қўлга киритди. Аммо шунда ҳам С.Берлускони мағлубиятни рад этиб келди. У журналистлар билан суҳбатда Р.Проди бош вазир бўлган тақдирда ҳам унинг ғалабасини тан олмаслигини билдирган.

Энди икки томон ҳам суд ҳукмини ўзгартира олмайди. Маълумотларга кўра, С.Берлусконининг бош вазир сифатидаги ваколати 28 апрель куни ниҳоясига етади. Сўнгра парламентнинг илк йиғилиши ўтказилгач ҳукумат бошқарувини Р.Проди ўз зиммасига олади.

Мисрдаги портлашлар

Мисрда террорчилик ҳаракати содир этилди. Қизил денгиз соҳилида жойлашган «Дахаб» дам олиш масканида кетма-кет уч марта портлаш юз берди. ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабарига кўра, фожиа оқибатида 30га яқин киши ҳалок бўлган, 87 киши жароҳатланган.

Миср президенти нохуш воқеа юзасидан чиқиш қилар экан, террорчилик ҳаракати ташкилотчилари албатта аниқланиб, уларга жиддий жазо чоралари қўлланилишини таъкидлади. Аниқланишича, қўлбола портловчи қурилмалар одамлар гавжум бўлган жойда ҳаракатга келтирилган. Полиция хунрезликни амалга оширган кимсаларнинг ўзлари ҳам ҳалок бўлган, деган фикрда.

Маълумотларга қараганда, террорчилик ҳаракати натижасида қурбон бўлганлар ва жароҳатланганлар орасида хориж фуқаролари ҳам бор.

Содир этилган жиноят юзасидан тергов ва суриштирув ишлари олиб борилаётир. Ҳуқуқ-тартибот идоралари бир неча гумондорни ҳибсга олди. Тергов манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг номлари маълум қилинмаяпти.

Радиацияга қарши вакцина



Россия Фанлар академиясининг Владикавказ шаҳридаги илмий-тадқиқот маркази олимлари томонидан радиактив нурланишга қарши вакцина ишлаб чиқилди ва дастлабки синовдан ўтказилди. Маълум бўлишича, мутахассислар ҳайвон организмида қон билан тўқималар ўртасида модда алмашувини таъминловчи суюқлик (лимфа)дан радиация таъсирида ички аъзоларни ишдан чиқарувчи радиотоксин моддасини ажратиб олишга муваффақ бўлган. Унинг асосида эса вакцина тайёрланган.

Олимлар ўз кашфиётининг имкониятини АҚШдаги ҳамкасблари ишлаб чиққан вакцинаники билан солиштириб кўришди. Тажриба мақсадида ҳайвонлар танлаб олиниб, икки гуруҳга ажратилди. Бир томон АҚШ, иккинчи томон эса Россия вакцинаси билан эмланди. Шундан сўнг уларнинг барчаси сунъий равишда нурлантирилди.

Биринчи гуруҳдагилар тажрибанинг тўртинчи кунида нобуд бўлди. Иккинчи гуруҳдагилар тирик қолди. Улар икки ойдан сўнг яна текширувдан ўтказилганида организмида салбий ўзгаришлар топилмади.

Россиялик олимлар, Чернобиль ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашганлар мана шу тиббий восита билан эмланганда, уларнинг ҳаёти сақлаб қолиниши мумкин эди, деб ҳисобламоқда. Таъкидланишича, вакцина такомиллаштирилгач, келгусида фазовий кемаларда радиациядан ҳимояловчи бўлмаларни қуришга умуман ҳожат қолмайди. Бунинг учун сарфланадиган катта миқдордаги маблағлар тежаб қолинади. Шу билан бирга, янги вакцина онкологик касалликларни даволашда ҳам зарур восита сифатида эътироф этилмоқда.

Қочоқлар Юкатанда

Мексикага кириб келаётган кубалик ноқонуний муҳожирлар сони ортиб бормоқда. Қочқинларнинг асосий қисми мамлакатнинг Куба чегарасига яқин масофада жойлашган Юкатан ярим оролида тўпланаётгани қайд этилаяпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ноқонуний муҳожирлар Юкатанни ўзлари учун янги макон деб билади. Чунки яриморолдан Мексика соҳилларига етиб бориш ва у ердаги маҳаллий аҳоли орасига сингиб кетиш анча осон кечади.

Расмий Гавананинг ўз қочқин фуқароларини қайтариш масаласига умуман қизиқиш билдирмаётгани муаммони ҳал этишга жиддий тўсиқ бўлаётир. Мексика қонунчилигига мувофиқ муҳожирларни уларнинг ўз юртидаги расмий идоралар билан келишган ҳолдагина мамлакатдан чиқариб юбориши мумкин. Шунинг учун қўлга тушган кубалик қочқинлар узоқ вақт мобайнида ҳибсхонада ўз тақдири қандай ҳал этилишини кутиб ётишдан бошқа иложи қолмаган.

Ҳуқуқ

...инсоннинг олий қадриятларидан бири

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар

фуқаролик жамиятини шакллантириш омиллари

Тўлқин ТЎРАҚУЛОВ,
ТДЮИ магистранти

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий тузилмалар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, айниқса, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда фаол иштирокининг аҳамияти жуда катта. Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи уларнинг барча ҳақ-ҳуқуқларда тенглиги ва эркинлиги билан белгиланади. Уларнинг фаолияти, ижтимоий-сиёсий жараёнларда эркин иштироки, ўз навбатида, жамият сиёсий тизимининг ошкоралиги қонунчилик орқали кафолатланади.

Фуқаролар сайловларда, референдумларда ўз хоҳиш-иродасини билдириб, шунингдек, қонунчилик, ижро ёки суд ҳокимияти органлари ишида шахсан қатнашиб, давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишади. Бинобарин, сайлаш ва сайланиш, референдумларда иштирок этиш, жамоат ишларини ва одил судловни амалга оширишда қатнашиш ҳуқуқи давлатни бошқаришдек муҳим сиёсий ҳуқуқнинг рўёбга чиқишини кафолатлайди.

Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган (32-модда). Дарҳақиқат, республикамизда давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фуқаролар шахсан ёки ўзлари сайлаган вакиллар орқали халқ ҳокимиятчилиги тамойилини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшадилар. Сайлов ҳуқуқи - давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг, умуман, ҳуқуқ тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим воситасидир. Сайлаш ҳуқуқи (сайловда ва референдумда ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш), давлат ҳокимияти органларига сайланиш ҳуқуқи, сайловчиларнинг ўз ишончини оқламаган депутатларни чақириб олиш ҳуқуқи сайлов ҳуқуқининг таркибий қисмлари саналади.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан фарқли ўлароқ, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсон эркинлигини таъминлашга эмас, балки уни сиёсий жараённинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини намоён этишга қаратилган. Сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун шарт-шароит яратади.

Бугунги кунда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар конституциявий-ҳуқуқий моҳият касб этди, аввало миллий ҳуқуқнинг, қолаверса, халқаро ҳуқуқнинг муҳим институти сифатида тан олинди. Зотан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда сўз ва эътиқод, тинч намойишлар ўтказиш ва бирлашмаларга уюшиш эркинлиги, давлатни бошқаришда иштирок этиш каби сиёсий ҳуқуқлар инсоннинг узвий ҳуқуқ ва эркинликлари сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Зеро, бу ҳар қандай демократик давлатда иккинчи даражали нарса сифатида эмас, балки инсоннинг олий қадриятларидан бири сифатида қабул қилинади.

Кичик жамоадаги катта ишлар

Шоҳруҳ САРИЕВ,
«Адолат» мухбири

Бугун тараққиётни электр чироқларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. У инсониятнинг фаровон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Мабодо атиги бир соатгина электр энергияси ишламаса, хонадонлардаги қийинчиликларни кўя турайлик, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари фаолиятига ҳам жиддий зиён етказади, иқтисодий кўрсаткичларни пасайишига олиб келади. Шу боис мамлакатимизда электр энергиясини мунтазам етказиб бериш, ундан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратиляпти.

Бу борада Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол электр тармоқлари корхонаси жамоаси кўпчиликка ўрнак бўлиб, ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, корхона бош муҳандиси Раҳматулла Пўлатовнинг саъй-ҳаракатлари билан 1996 йили ишга яроқсиз трансформаторларни қайта таъмирлаш устахонаси ишга туширилган эди.

Ҳаракатда — баракат, деганлари чин экан. Мазкур устахона ишга туширилганданоқ туман электр тармоқлари корхонаси носоз трансформаторларни Каттақўрғон шаҳридаги ихтисослаштирилган таъмирлаш корхонасига олиб боришга ҳожат қолмади. Корхонада иш бир маромда ташкил этилган бўлиб, йилига 200-220 та трансформаторларни мукаммал таъмирлаш қувватига эга.Бу билан ҳам вақт, ҳам олис йўлга қилинадиган сарф-харажат тежалмоқда. Айни пайтда 6 нафар ишчи-ходим ишлайдиган устахона қўшни туманлардаги корхона ва ташкилотларга ҳам сифатли хизмат кўрсатиб кўпчиликнинг дуосини олмоқда.

Энг яхши минибанк



Суратда: Минибанк бош ҳисобчиси Ғафур Тўраев мижоз хизматида.

Бугунги кунда акционерлик-тижорат «Пахтабанк» раслубика иқтисодиётининг устувор соҳаси — қишлоқ хўжалиги тизимида кенг кўламда олиб борилаётган бозор муносабатлари жараёнида ҳал қилувчи молиявий институт вазифасини бажармоқда. Айниқса, унинг фермерлик ҳаракати тараққиётга кўшаётган амалий ҳиссаси мақтовга сазовор. Буни банкнинг Зомин туманидаги «Даштобод» мини банки фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин.

Минибанкда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш, ерга бўлган эгалик ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатувчи тайёрлов идоралари билан шартномалар бажарилишини таъминлаш, моддий ресурслар ва маблағлардан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйиш ишлари яхши ташкил этилган. Ҳозир минибанк 100 та фермер хўжалигига хизмат қилмоқда. Шу йилнинг ўзида хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш натижасида ўн нафар тадбиркорга 13 миллион сўм кредит берилди.

Аҳамиятли томони шундаки, банк мижозлари учун қурилган замонавий янги иншоотда эндиликда барча қулайликлар мавжуд. Яқинда Республика «Пахтабанк» томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши минибанки» кўрик танловида у биринчи ўринни эгаллади.

Сўраган эдингиз

Уй ижарага

Уй ёки квартира ижарага берилганда оила аъзоларининг розилиги олиниши ва ижарага олувчи билан шартнома тузилиши керакми?

Гулноза Нуралиева, Узун тумани

Фозил ФАРИКОВ,
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

Уй-жой кодексининг 25-моддасида фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли уйлар, турар жойларни ижарага, арендага бериш тартиби кўрсатиб ўтилган.

Уй (квартира) мулкдори ўзи билан бирга яшаётган, вояга етган оила аъзоларининг розилиги билан ёки юридик шахснинг ваколатли органи қарорига биноан, уй (квартира)ни ёхуд унинг бир қисмини фуқароларга ижарага ёки арендага беришга ҳақли.

Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижара ёки аренда шартномаси тузилаётган муддат, тўлов ҳақи миқдори ва бошқа шартлар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартибда белгиланмаган бўлса, тарафларнинг келишувига биноан белгиланади.

Турар жой ижара ёки аренда шартномаси ёзма шаклда тузилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олиниши (рўйхатдан ўтказилиши) лозим.

Ушбу шартномага нисбатан Уй-жой кодексининг қоидалари қўлланилади. Шартноманинг Кодекс билан тартибга солинмаган муносабатлари фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

ТАФАККУР

... ОҚИЛЛИК ВА РАҲМДИЛЛИК БИЗНИНГ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАНМОҒИ ЛОЗИМ, ДЕЙИЛИШИ МУТЛАҚО АДОЛАТЛИДИР. *Шефтсбери*

Спорт

Жамоаларимиз Осиё Чемпионлар лигасининг чорак финалига чиқадими?

Балли «Пахтакор», балли «Машъал»!

Боҳир БЕК

Футбол бўйича қитъамиздаги энг нуфузли мусобақа — Осиё чемпионлар лигасининг саралаш гуруҳларида иштирок этаётган жамоалар тўртинчи тур учрашувларини ўтказди.

Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси Теҳронда Эрон чемпионати ғолиби "Фулад" футболчиларига қарши майдонга тушди. Мезбонлар дастлабки дақиқаларданоқ ҳужумга зўр берди. Айтиш жоизки, учрашув "Фулад" футболчилари учун омадли бошланди. Биринчи бўлимнинг ўрталарида "Пахтакор" дарвозасини ишончли қўриқлаётган Игнатий Нестеров жароҳат олиб, ўз ўрнини Темур Жўраевга бўшатиб берди. "Пахтакор"нинг ёш посбони ҳали ўйинга киришишга улгурмасдан, Майсам Сулаймоний аниқ зарба билан ҳисобни очди.

Бир тўп фарқи билан ортда қолаётган тошкентлик чарм тўп усталари ўйиннинг иккинчи ярмини кескин ҳужумлар билан бошлади. Натижада вакилларимизнинг биринчи ҳужуми самарали якунланди. Ринат Байрамовнинг кучли зарбасини "Фулад" ва Эрон миллий терма жамоаси посбони Иброҳим Мирзапур қайтара олмади. Икки дақиқадан сўнг Владислав Кирьян мезбонлар посбонини яна ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур қилди. Уч дақиқа ичида мағлубиятни ғалабага айлантирган Валерий Непомняший шогирдлари ҳужумни янада кучайтирди ва 57-дақиқада Зайниддин Тожиев тўпни дарвоза тўрига аниқ йўллади.

Шундай қилиб, "Пахтакор" 9 очко билан гуруҳ пешқадамига айланди. Энди пахтакорчилар учун етти очко жамғарган "Ал-Қодисия" (Қувайт) жамоаси асосий рақиб ҳисобланади.

"Пахтакор" навбатдаги учрашувни 3 май куни Сурияда "Ал-Иттиҳод"га қарши ўтказади. Агар пахтакорчилар сафар учрашувини ҳам ўз фойдасига ҳал қилса, муддатидан олдин чорак финал иштирокчисига айланади.

Яна бир вакилимиз — Мубораknинг "Машъал" жамоаси ўз майдонида қитъамизнинг энг кучли жамоаларидан ҳисобланган "Ал-Ҳилол" (Саудия Арабистони)ни қабул қилди.

Биринчи бўлимда меҳмонлар посбони Фаҳад Аш-Шаммари ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди. Таnаффусда бош мураббий Виктор Жалиловдан тегишли кўрсатмаларни олган "Машъал" футболчилари ўйиннинг иккинчи ярмида ҳужумни янада кучайтиришди. Натижада ҳужумчиларга ёрдамга келган "Машъал" ҳимоячиси Ботир Қораев 50-дақиқада кучли зарба билан ҳисобни очди. Шу куни майдонга қайтган моҳир ҳужумчи Зафар Холмуродов ҳам турнирдаги иккинчи голини киритди.

Ҳисобда икки гол фарқи билан олдинга чиққан мезбонлар учрашувнинг сўнгги дақиқаларида хотиржамликка берилди. Бунинг оқибатида саудияликлар ҳужумини қайтариш чоғида Шуҳрат Мирхолдиршоев ўз жарима майдончаси ичида тўпни қўли билан ўйнади. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Абдулла Ад-Досарий Павел Бутенко қўриқлаётган дарвозага аниқ йўллади. Кучли рақибини доғда қолдирган мубораklик футболчилар етти очко жамғариб, "В" гуруҳида иккинчи поғонага кўтарилиб олди.

"Машъал" футболчилари 3 майда ўтказиладиган навбатдаги турда ўз майдонида "Ал-Минаа" билан куч синашади. Ҳамюртларимиз биринчи учрашувда бу жамоани 1:0 ҳисобида доғда қолдирган эди. Лекин мубораklик футболчилар учун энг асосий учрашув 17 май куни "Ал-Айн" майдонида бўлади. Кейинги босқичга чиқиш учун "Машъал"дан ана шу сўнгги учрашувда ғалаба қозониш талаб этилади.

Нестеровнинг рекорди

Миллий терма жамоа ва "Пахтакор" (Тошкент) посбони Игнатий Нестеров бу йилги чемпионатнинг кетма-кет еттита учрашувида ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди ва шахсий рекордини ўрнатди. Аввалги шахсий рекорд 675 дақиқадан иборат эди.

Игнатий Нестеров дарвозасига чемпионат ўйинларидаги охирги гол «Сўғдиёна» футболчилари томонидан киритилган. Ўтган йилги чемпионатнинг сўнгги турида "Пахтакор" Жиззаҳдаги учрашувнинг 18-дақиқасида ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юборганди.

Ҳозирча Игнатий Нестеров пойтахтнинг бош жамоаси дарвозасини ишончли қўриқламоқда ва 702 дақиқалик кўрсаткич кейинги турларда янада ошиши кутилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Игнатий Нестеров "Пахтакор"га 2002 йили таклиф этилган. Шундан буён моҳир дарвозабон миллий чемпионатда пахтакорчилар таркибида 101 маротаба майдонга тушиб, 62 та учрашувда ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолган ва атиги 54 та гол ўтказиб юборган. Бу кўрсаткич бўйича у миллий чемпионатимиз мобайнида "Пахтакор" дарвозасини қўриқлаган 12 нафар посбон орасида энг кучлиси ҳисобланади.

Рингда умидли боксчилар

Жиззах олимпия захиралари коллежи спорт мажмуида 1991-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган бокс бўйича мамлакат биринчилигида уч юз нафарга яқин иқтидорли спортчи ғолиблик учун рингга чиқди.

Мусобақа дунёдаги энг оммавий спорт турларидан ҳисобланган бокс мамлакатимизда жадал ривожланаётгани, ўзбекистонлик таниқли чарм қўлқоп усталарига муносиб ўринбосарлар тарбияланаётганини кўрсатди.

Биринчилик давомида Фарғона водийси вилоятларидаги бокс мактаблари тарбияланувчилари муваффақиятли иштирок этди. Ўн биттасида водийликларнинг қўли баланд келди. Андижонлик боксчилардан Ж.Султонхўжаев, К.Бобожонов, Н.Қосимов, Д.Турдиев ва М.Абдуллаев, фарғоналик Ш.Эргашев, О.Бекмуродов, Д. Тешабоев, Наманган вилояти вакилларидан У.Раҳимов, А.Мамажонов, Б.Раҳимов шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади. Ғолган олтин медаллар жиззахлик Ф.Фозилов, С.Ҳидиров, Тошкент вилояти вакили Ф.Ғоибназаров, пойтахтлик З.Иброҳимов, хоразмлик У.Абдуллаевга насиб қилди.

Халқаро майдонда

Осиё Футбол конфедерацияси қитъамизнинг энг нуфузли турнирларидан ҳисобланган ОФК кубоги мусобақасининг «В» гуруҳидаги «Демпо» (Ҳиндистон) ва «Марв» (Туркманистон) ўртасидаги учрашувни бошқаришни ўзбекистонлик ҳакамларга топширди.

16 май куни Ҳиндистонда ташкил этиладиган беллашувда бош ҳакам вазифасини ўзбекистонлик ФИФА рефериси Рустам Саидов бошқаради. Унга Фарҳод Абдуллаев, Арслон Ҳотамов ва Марат Исмоилов кўмаклашади.

Воажаб, оддий бир гул ҳам мудроқ ҳисларингни уйғота олар экан...

Ватан остонадан бошланади

Раҳмат ТЎЛАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Мен учун Ватан — қўшни болакайнинг тетапоя бўлиб ташлаган биринчи қадами, саҳарда йўлда учраган дўстнинг каломи, элас-элас эшитилаётган тракторлар саси, даканг хўрозларнинг каллайи саҳардаги қичқириқлари, уфққа туташиб кетган ғўза пайкаллари, чойхонада аччиқ кўк чой ичаётган нуроний отахонларнинг беозор гурунглари, дунёга машҳур Варахша ёдгорлиги, Ҳазорбоғ узумлари, Газли гази, Қўрғон анжири...

Ватан остонадан бошланади...

* * *

Нурота чашмасининг сувидан ичганмисиз?!

Бу чашмада сузиб юрган илоҳий балиқларни томоша қилганмисиз!? Қоп-қора бу жониворлар ер ости йўли орқали Имом Ҳасан ва Имом Ҳусан қабригача бир неча чақирим сузиб келишаркан.. Бу балиқлар мўъжиза. Тасмадек бўлиб ётган йўл ёқасидаги бахмал лола гиламлари ҳам бир мўъжиза. Қолаверса, нафақат Нурота, балки бутун Ўзбекистон мўъжизалар маскани. Нурота чашмасининг ширин сувидан ичганмисиз?!

* * *

Қора денгиз соҳили...

Биллур томчилар нина каби юзингга санчилади... Улкан тўлқинлар қувалашиб, соҳилга урилиб, яна изларига қайтади. Қанчалар қудрат, нақадар кучга эга бу уммон!

Табиат бу кучнинг мингдан бир улушини инсонга берганида бор-ми! Денгиз бу қудрат ва фидойиликни қайдан олган экан?..

Қора денгиз соҳили...

* * *

Ёр-ёр янгради...

Юлдузлар чамани сочилган осмон остида бу оқшом икки ошуфта дил қовушади... Муҳаббат туғён урган юраклар бу кеч висол завқини суради. Мана, давра тўрини гул-гул яшнатиб турган икки ёш...

Қатралар

Оппоқ қордай ҳарир либос кийган келинчак юзида бегубор баҳорий табассум, кўзларида мастона самимият, нигоҳида муҳаббат учқунлари! Ёнида юзидан нур ёғилаётган, ўктам, келишган йигит... Ёшларнинг иккаласи ҳам шод, улар бахтиёр дўстлар даврасида...

Ёр-ёр янгради...

Дўстлар, ўрнингиздан туриб, энди дунёга келаётган навқирон оилани муборакбод этинг!

* * *

Ҳаёт шўх оқаётган дарёга ўхшайди...

Дарё тубидаги тошларни эса мен одамларга қиёсладим. Тошлар бир-бири билан учрашиб, сайқал топади, тобора кўркам бўла боради... Одамлар ҳам шу тошлар мисоли бири-биридан ўрганиб, бири-бирига ўргатиб, табиатни ва ўзларини тобора мукаммал, тобора серфайз қила боришади!!!

* * *

Уруш ва тинчлик...

Бу бир жуфт сўз, Лев Толстой таъбири билан айтганда, «тириклик ва ўлим, ғалаба ва мағлубият, оқ ва қорани» ифодалайди...

Бири ҳаёт даричасини очса, иккинчиси уни ёпади... Уруш ер юзига вайроналик, ғам, тинчлик эса — яралиш, шодлик, яхшиликнинг сеҳрли уруғларини сочади...

* * *

Анор гулини кўрганмисиз?!

Унинг бетакрор чиройи, алвон ранги, ял-ял либоси киши кўзини олади... Табиат берган бу ажиб латофат инсон қалбига илиқ ҳисларни олиб киради. Руҳинг тетиклашиб, ўзингни соғлом сезасан... Воажаб, тилсиз табиат ўзининг оддий бир гули билан юрак қатида яшириниб ётган мудроқ ҳисларингни уйғота олар экан...

* * *

Оқ ва қора...

Бу рангин оламни яшнатувчи бўёқлар... Эътибор бериб қарасанг, дунё аслида шу икки турфа рангдан иборатдай туюлади. Бу ранглар инсон табиатини, яхшилик ва ёмонликни, муҳаббат ва нафратни, адоват ва меҳрни, латофат ва хунукликни, адолат ва разолатни белгилайди.

Агар бу ранглар нисбати тенг бўлса, гўзаллик, санъат, қобилият туғилади. Лекин қора рангнинг орта бориши, дунёнинг тугаб бориши, олам интиҳосини англатади, гўё...

Ўша икки ранг жанги одамзод бу ёруғ жаҳонда яшай бошлагандан буён давом этиб келаётир... Менимча, ҳалиҳануз бу ҳаёт-мамот жанги давом этаверади! Бу жанг тугаган куни Ҳаёт аталмиш мўъжиза ҳам ўз интиҳосини топса ажабмас!

Табаррук маскан



НУРОТА. Қадимги Нур қалъаси пойида мавжланиб оқаётган чашма сувига, айниқса, музламайдиган, қишинёзин бир хил ҳароратли сувда сузаётган балиқларни ҳеч томоша қилганмисиз?

Мустақиллик йилларига келиб чашма ва унинг атрофи қиёфаси батамом ўзгарди. Тарихий обидалар — масжидлар қайта таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди. Зиёратгоҳга келиб-кетувчилар учун зарур шароитлар яратилди. Хусусан, чашма тепасида ажойиб чойхона қад ростлади.

Хуллас, яхшиси бу ерга ўзингиз бир келинг. Зеро, истиқлол берган имкониятни ўз кўзингиз билан кўрганга не етсин.

"Экофестивал–2006"

Пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ"да "Экосан" халқаро ташкилоти Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳамкорлигида Ер кунига бағишлаб "Экофестивал – 2006" тадбири ўтказилди.

"Экосан" халқаро ташкилоти жамоатчиликни Ер кунини нишонлашга жалб этиш йўлида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, "Экология ва саломатлик кунлари" дастури доирасида ҳашарлар, учрашувлар, анжуман ва экологик фестивалларлар, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган кўплаб тадбирлар ўтказмоқда.

"Экофестивал-2006" тадбири ҳам шу мақсадда йўналтирилди. Унда "Она замин инъомлари" кўргазмаси, рассомларнинг бадиий ижод намуналари, гуллардан безатилган композициялар намойиши бўлиб ўтди. Қизиқарли ўтган фестивал юртимизнинг таниқли эстрада юлдузлари иштирокидаги катта байрам концерти билан якунланди.

«Туркистон-пресс»

Суд залидан

Тарбияни тарбияли одамлар бермоғи жоиз

Устоз ниқобидаги олғирлар

Раҳмон МАДУМАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди раиси.
Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири

Ўқитувчи, муаллим деганда илм, зиё тарқатувчи фидойи инсон кўз олдимизда гавдаланади. Бундай инсонларни доимо устоз, мураббий дея эъзозлаймиз, ҳурмат қиламиз. Чунки ўқитувчи касби шарафли: у ёш авлодга билим бериш баробарида уларнинг маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишига бемисл ҳисса қўшади. Бироқ, ана шундай шарафли ва масъулиятли касбга доғ тушираётганларнинг учраётгани ачинарли ҳол.

Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими мудири Ғулом Ҳакимов ва бир гуруҳ мактаб директорлари ана шундайлардан чиқиб қолди. Ғ.Ҳакимов ХТБ бош ҳисобчиси У.Жониқулов ва бошқа ҳамтовоқлари билан ўзаро тил бириктириб, бюджет маблағларини ўзлаштиришга киришади. Халқ таълими бўлимига қарашли 11-мактабга режа-смета асосида ўтказилиши лозим бўлган 9 миллион 927 минг 500 сўмни 3- ва 12-мактаблар ҳисобига ўтказиб юборади. 3-мактаб директори Г.Мамадалиева ва бош ҳисобчи М.Холматовалар эса, келишилганидек, 5 миллион 876 минг 600 сўм пул маблағини «Ўзуйжойжамғармбанк»нинг Бекобод филиалидан ҳеч қандай чиқим ҳужжатларисиз иш ҳақи учун деб олиб, бошқа мақсадларга сарфлайди. 12-мактаб директори бўлиб ишлаган А.Деҳқонов, А.Жураев, У.Умаралиев ва шу мактабнинг бош ҳисобчиси Н.Атабаевалар ҳам 2003-2004 йиллар мобайнида халқ таълими бўлими мансабдор шахслари билан биргаликда 3 миллион 655 минг 874 сўм маблағни ўз «жигилдони»га уришади. Бундан ташқари, мўмай даромад қилишнинг ҳадисини олган шаҳар халқ таълими бўлими мудири ва бош ҳисобчиси сохта қайдномалар асосида маҳаллий бюджетдан ўтказилган 9 миллион 107 минг 800 сўмни ҳам ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишади.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судида кўриб чиқилган мазкур жиноят иши мавжуд ҳужжатлар, далиллар ва гувоҳлар кўргазмалари орқали рўй-рост ўз исботини топди. Ўз касбига номуносиб устоз либосидаги олғирлар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жазога тортилди.

Қуш уясида кўрганини қилади, дейишади. Қолаверса, тарбияни тарбияли одамлар бермоғи жоиз. Чунки, бир жиноят, албатта, иккинчисини етаклаб келиши тайин. Шаҳар халқ таълими бўлими масъул раҳбарлари ва мактаб директорлари нафс қулига айланиб, таълим-тарбия жараёнини ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги оқибатида билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолмоқда. Яқинда жиноят ишлари бўйича шаҳар судида Р.Салимов, Н.Абдураззоқов ва Ш.Кенжаевларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, бу навқирон йигитлар ўзаро жиноий тил бириктириб, "Ўзметкомбинат" АИБ мартен цехининг омборхонасига ўгринча киришади. Бу ерда сақланаётган жами 6 миллион 220 минг сўмлик 1450 килограмм силикокальцийни ўгирлаётганларида қўлга олиниб, ҳуқуқ-тартибот идораларига топширилади. Судда жавобгар сифатида сўроқ қилинган учала жиноятчи ҳам ўз айбларини тўлиқ тан олишди, тавба-тазарру қилишди. Бироқ...

Қиссадан ҳисса шуки, ёшлар таълим-тарбиясига лоқайдлик билан қараш юқоридаги каби салбий ҳолатларга олиб келади. Шунинг учун ҳар биримиз бу масалага бирдек масъул эканлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Психолог маслаҳати

...тақиқланган нарсага интилиш, қизиқиш кучли бўлади

Севги аломатлари

Феруза АКРАМОВА,
психолог

Севги-муҳаббат ҳақида сўз кетганда, унинг маълум аломати ёки белгиси борми, деган савол юзага келади. Дарҳақиқат, севгининг муайян белгилалари мавжуд. Сизда кечаётган ҳис севги ёки ҳавас эканлигини ажратиб олиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, "биргалик эффекти". Бунда муҳаббатни бошидан кечираётган шахс тасаввурида севган кишиси доимо гавдаланиб туради. Нима иш қилмасин, қаерда бўлмасин, хаёлан у билан гаплашаётгандек бўлади.

Иккинчидан, "идрокнинг идеаллашиши". Бу севган кишисини ҳар жиҳатдан мукаммал, ниҳоятда чиройли, ақлли, ўзида энг яхши фазилатларни мужассамлаштирган шахс сифатида кўриш. Ҳатто унинг феъл-атворидаги салбий жиҳатлар ёки ташқи қиёфасидаги айрим жисмоний нуқсонлар камчилик сифатида эмас, балки бетакрор хислат сифатида идрок этилади, камчиликлари мутлақо кўзга ташланмайди.

Учинчидан, альтруизмнинг кескин ифодаланиши. Бу севган кишиси учун ҳатто ота-она насиҳатларидан воз кечиш, фақат севган кишиси билан бирга бўлиш ҳохишининг устун бўлишидир.

Тўртинчидан, муҳаббатнинг кучига ишонишнинг чексиз ортиши. Бунда севган киши ўз севгани билан тезроқ оила қуришни, умрининг охиригача бирга бўлишни орзу қилади. Шунга интилади ва бунинг учун ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга шай бўлади.

Бешинчидан, севиб қолган кишида ҳаётга нисбатан муҳаббат кучаяди, руҳий жиҳатдан кескин ўзгаришлар амалга ошади. Дунёни ўзгача тасаввур этиш, бошқаларни қалбан тушуниш, ҳамдардлик ҳислари кучайиб, ижодий фаоллик ва иш қобилияти ортади.

Келтирилган белгиларнинг 4-5 таси сизда кузатилса, билингки, сиз муҳаббатга дучор бўлгансиз.

Муҳаббат ҳисларини тушунтиришда кўпинча бу ёшликнинг ҳою ҳавасларидир, деган ёндашув кузатилади. Лекин инсон улғайган сари бу туйғу ёш танламаслигини, фақат айрим кўринишлари ва хусусиятлари билан ажралиб туришини англаб бораверади.

Айтиш лозимки, ёш йигит-қизлар ҳали ижтимоий-маънавий жиҳатдан тўла шаклланмаганликлари сабабли улардаги севги ҳиссиёти ўзига хос белгиларга эга бўлади. Чунончи, ёшларда севиш истаги кучли бўлади. Бу организмда кечаётган физиологик жараёнлар билан ҳам боғлиқ. Бу даврдаги севгида фантазия, хаёлот кучли бўлиб, у ҳаётдан узилганлиги, фақат тасаввурларга асосланганлиги билан характерланади.

Шу билан бирга йигитлардаги севги ҳислари билан қизларнинг севгиси орасида тафовут мавжуд. Чунончи, йигитлар қизларни ўзига қаратиш учун ўз ҳисларини баён қила олишлари, совғалар ҳадя этишлари, яхши сўзлар айтишлари мумкинлигини ва бу ҳаракатлардан уларнинг шаънига ҳеч қандай доғ тушмаслигини биладилар. Қиз болалар эса аксинча. Шунинг учун бундай туйғудан йироқ юриш кераклигини, ортиқча ташвишларга дучор бўлмасликни ота-оналар ўз фарзандларига тинмай уқтиришади ва ёшларда айнан тақиқланган нарсага интилиш, қизиқиш кучли бўлишини унутиб қўядилар. Ўринсиз койиш, таъна-дашном бериш, шахсиятга тегиш ота-онанинг обрўйини туширади. Бундан кўра, унга яқин бўлиб, яхши маслаҳат бериш, ҳамма нарса ўз вақтида амалга ошиши мумкинлиги, ҳозир эса яхши ўқиш, яхши инсон бўлишга замин яратиш лозимлигини тушунтириш керак.

ТАФАККУР 4

ҚАЛБНИНГ КЎЗЛАРИ БИЛАН ҚАРАМОҚ КЕРАК, ЗЕРО ЖИСМОНИЙ КЎЗЛАР БИЛАН ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШНИНГ ИМКОНИ ЙЎҚ. *Гегель*

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

«Адолат» газетаси таҳририяти реклама агентларини шартнома асосида ишга таклиф қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 136-53-14, 136-54-39

Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимияти томонидан 2005 йилда «BOBIR JAHON SAVDO-SERVIS" хусусий фирмасига берилган АА № 004065 (руйхат рақами 135-02) рақамли алкогол маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Тургунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Қабулхона — 133-40-86, 136-53-14
Факс — 133-41-89
Котибият — 136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими — 133-41-89
Хатлар бўлими — 136-55-64
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39
Иқтисодиёт ва саноат бўлими — 136-54-39
Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Б. Тошназаров
Навбатчи — М. Абдушукуров
Мусаҳҳиҳ — Н. Муҳсимова
Саҳифаловчи — Л. Турсунов

● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 600
Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади — 1838

Нашр индекси — 100

Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди —